

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ШАПУЛАТОВА ЗУМРАТ ЖАХОНГИРОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИДА
БУЗОҚЛАР ВИРУСЛИ-БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯЛАРИНИНГ
ТАРҚАЛИШИ, ДИАГНОСТИКАСИ ВА МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**16.00.03-Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,
микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2025

**Ветеринария фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc) on veterinary sciences

Шапулатова Зумрат Жахонгировна

Ўзбекистон Республикаси чорвачилик хўжаликларида бузоқлар вирусли-
бактериал инфекцияларининг тарқалиши, диагностикаси ва махсус
профилактикаси3

Шапулатова Зумрат Жахонгировна Распространение, диагностика и
специфическая профилактика вирусно-бактериальных инфекций телят в
животноводческих хозяйствах Республики Узбекистан.....27

Shapulatova Zumrat Jakhongirovna

Distribution, diagnosis and specific prevention of viral-bacterial infections of calves
in livestock farms of the Republic of Uzbekistan51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ШАПУЛАТОВА ЗУМРАТ ЖАХОНГИРОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИДА
БУЗОҚЛАР ВИРУСЛИ-БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯЛАРИНИНГ
ТАРҚАЛИШИ, ДИАГНОСТИКАСИ ВА МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**16.00.03-Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,
микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.DSc/V31 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, (инглиз резюме)) Илмий кенгашнинг (www.ssuw.uz) веб-саҳифасида ва "ZiyoNet" ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Юнусов Худайназар Бекназарович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Давлатов Равшан Бердиевич
ветеринария фанлари доктори, профессор

Хамдамов Хабибуло Аблакулович
ветеринария фанлари доктори, профессор

Джавадов Эдуард Джавадович
академик РАН, ветеринария фанлари доктори,
профессор

Етакчи ташкилот:

Ветеринария илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019.V.12.01 рақами Илмий кенгашнинг 2025 йил «15» «*май*» даги мажлисида соат 10⁰⁰ бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77 уй, тел./факс: (998)66234-76-86; e-mail: ssuw@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ *14337* рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77 уй, тел./факс: (998)66234-76-86)

Диссертация автореферати 2025 йил «*3*» «*03*» куни тарқатилди.
(2025 йил «*3*» «*03*» даги *2* рақамли реестр баённомаси)



Х.С.Салимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, в.ф.д., профессор

С.Б.Эшбуриев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, в.ф.д., доцент

Қ.Н.Норбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, в.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш ва юқори маҳсулдор қорамоллар подасини яратиш муҳим аҳамиятга эгадир. Қорамолларнинг вирусли-бактериал этиологияли ошқозон-ичак ва респиратор касалликлари чорвачиликни инновацион технологиялар асосида жадал ривожлантиришга жиддий тўсиқ бўлиб, бутун дунё бўйлаб чорвачилик хўжаликларида бузоқларнинг 40-55% гача нобуд бўлиши, тирик вазнининг ўртача кунлик ўсишини 2-3 бараварга камайиши, касалликдан тузалган ҳайвонлардан режалаштирилган маҳсулотнинг олинмаслиги, келгусида подани тўлдиришга яроқсиз бўлиши шунингдек, даволаш-профилактика чоратадбирларига сарфланадиган харажатларнинг кўпайишидан катта иқтисодий зарар келиб чиқиб, чорвачиликда иқтисодий самарадорликнинг 20-30% га пасайишига олиб келади¹.

Ҳозирги вақтда дунёнинг саноат асосида ривожланган чорвачилик хўжаликларида қорамолларнинг вирусли-бактериал этиологияли ошқозон-ичак ва респиратор касалликларига қарши профилактик ва даволаш чоратадбирларининг кенг қамровли олиб борилаётганлигига қарамасдан ушбу патологияларнинг тез-тез қайд этилиши, айниқса бузоқларнинг асосан шу касалликлар туфайли нобуд бўлиши, катта иқтисодий муаммоларга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, инфекция пневмоэнтеритларнинг этиологик таркибида инфекция ринотрахеит (ИРТ), диарея (ИД), парагрипп-3 (ПГ-3) вируслари, респиратор синцитиал вирус (РСВ), ротавирус (РТВ), коронавируслар (КРВ) ҳамда бактериал инфекция қўзғатувчилари - пастерелла, эшерихия, протеус, стрептококклар, салмонеллалар муҳим ҳисобланиб, «янги туғилган бузоқларни барча инфекция касалликларининг 80-90 фоизини вируслар, хламидия ва бактерияларни ўз ичига олган аралаш инфекциялар ташкил этади»².

Республикамизда экологик вазиятнинг ёмонлашуви, антибактериал ва вирусга қарши препаратларнинг кенг қўлланилиши ва бошқа бир қатор омиллар таъсирида қўзғатувчиларнинг этиологик таркиби ўзгариб бормоқда. Бироқ, бузоқларда пневмоэнтеритни қўзғатувчи вирусларнинг этиологик таркиби етарлича ўрганилмаган. Кўпгина инфекция касалликлар атипик, абортив, лекин кўпинча ассоциатив, шаклда бўлади, натижада эпизоотологик жараён, унинг цикли ва клиник кечишининг давомийлиги ўзгаради. Ҳозирги вақтда инфекция ринотрахеит, вирусли диарея, парагрипп-3, респиратор-синцитиал, рота- ва коронавирус инфекциялари, эшерихия, протей инфекцияси, салмонеллез, клебсиеллез, стрептококкозларнинг махсус профилактикаси учун,

¹ Глотова Т.И., Семенова О.В., Котенева С.В., Глов А.Г., Выявление ассоциаций вирусов и бактерий респираторного комплекса у импортного скота при острых вспышках бронхопневмоний на молочных комплексах// Сельскохозяйственный журнал. - 2014. -№3, - С. 35-38.

² Акбашев, И.Р. Серологический и иммунологический мониторинг респираторных и желудочно-кишечных заболеваний крупного рогатого скота в хозяйствах Приволжского федерального округа// Ученые записки Казанской государственной академии ветеринарной медицины им. Н.Э. Баумана. – 2016. Т. 226 – № 2. – С. 13-16.

бир қатор моно- ва ассоциацияланган тирик ва фаолсизлантирилган вакциналар ишлатилмоқда. Аммо, ушбу вакциналарни қўллашнинг исботланган алгоритми ҳали ҳам мавжуд эмас, ҳар хил турдаги ва иммунологик ҳолатдаги фермаларда уларнинг самарадорлиги аниқланмаган. Шу сабабли бузоқларнинг овқат ҳазм қилиш ва нафас олиш органлари инфекцион касалликларини олдини олиш ва уларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс диагностик чора-тадбирларни такомиллашган усулларини ишлаб чиқиш ветеринария амалиётидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон - 2030» стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сонли «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-120-сон «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида»³ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 31 мартдаги ПҚ-187-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда шу соҳага оид турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган устувор масалаларни ечишда муайян хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқотлари республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси»устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴.

Айни пайтда бузоқлар вирусли-бактериал инфекцияларининг тарқалиши, диагностикаси ва махсус профилактикаси бўйича дунёнинг кўплаб илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан илмий тадқиқотлар Шимолий Каролина университети (АҚШ), Мериленд университети (АҚШ), Канзас штати Университети Ветеринария факультети, Клиник фанлар бўлими, Ветеринария тиббиёт коллежи (АҚШ), Эфиопия қишлоқ хўжалиги тадқиқот институти, Тепи, Тепи қишлоқ хўжалиги тадқиқот маркази (Эфиопия); Миллий зоотехния институти, Қишлоқ тараққиёт бошқармаси, Чхонан, (Корея). Ветеринария диагностикаси ва тиббиёти кафедраси, Чхонан, (Корея). Айова штати университети, Эймс, Айова 50011, (АҚШ); Йирик ҳайвонларнинг ички касалликлари кафедраси, ветеринария медицинаси факультети, Гент

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.02.2022 йилдаги Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022 — 2026-йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисидаги ПҚ-120-сон қарори. <https://lex.uz/ru/docs/5858730>

⁴ <https://www.vet.k-state.edu/academics/clinical-sciences/>; <http://www.eiar.gov.et/>;

<https://www.nias.go.kr/english/indexList.do>; <https://vetmed.iastate.edu/vdpam>; <https://www.ugent.be/di/irp/en>

университети, Салисберилаан 133, 9820 Мерелбеке, (Бельгия); Чианг Май университети ветеринария тиббиёти факультети ветеринария биология фанлари ва жамоат саломатлиги кафедраси, Чианг Май 50100, (Таиланд); Осие сунъий йўлдош кампуслари институти - Камбоджа кампуси, Нагоя университети, Нагоя 464-8601, (Япония); Витебск давлат ветеринария академияси (Беларус), Доғистон давлат қишлоқ хўжалиги академияси (Россия), Қирғизистон ветеринария илмий-тадқиқот институти, Қирғизистон миллий аграр университети (Қирғизистон), Урал ветеринария илмий-тадқиқот институти (Россия), Тожикистон ветеринария илмий-тадқиқот институтида (Тожикистон). Қозоқ миллий аграр университетида (Қозоқистон) илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бузоқлар пневмоэнтеритига диагноз қўйиш ва даволашнинг замонавий усуллари қўллаш, касалликнинг комплекс олдини олиш чора тадбирлари ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган (Шимолий Каролина университети (АҚШ)), ёш қорамоллар орасида кенг тарқалган ва чорвачиликка катта иқтисодий зарар етказадиган вирусли пневмоэнтеритнинг эпизоотологияси ва уларнинг махсус профилактикаси бўйича тадқиқотлар ўтказилган (Қирғизистон ветеринария илмий-тадқиқот институти, Қирғизистон), қорамолларнинг инфекцион ринотрахеит, парагрипп-3, вирусли диарея ва хламидиозларига қарши ассоциацияланган вакцина ишлаб чиқаришнинг илмий асосланган технологик параметрларини яратиш, уни қўллаш орқали эпизоотик ҳолатни яхшилашга эришилган (Урал ветеринария илмий-тадқиқот институти, Россия), қорамолларнинг респиратор касалликлари, рота- ва коронавирусли энтеритнинг аралаш кечиши ҳамда этиологияси ўрганилган, касалликни олдини олиш ва даволашнинг оптимал усуллари ишлаб чиқилган, моно ва ассоциацияланган вакциналарнинг профилактик самарадорлиги аниқланган (Тожикистон ветеринария илмий-тадқиқот институти).

Бугунги кунда олимлар томонидан бузоқларнинг овқат ҳазм қилиш ва нафас олиш органлари инфекцион касалликларининг комплекс диагностикаси, олдини олиш, даволаш ва уларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган усуллари ишлаб чиқиш ва чора-тадбирларни такомиллаштириш борасидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўпгина маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг ишлари бузоқларда вирусли-бактериал этиологияли ошқозон-ичак ва респиратор касалликлари муаммосини ўрганишга катта ҳисса қўшди. Республикада бузоқларнинг вирусли-бактериал этиологияли пневмоэнтеритлари И.Д.Бурлуцкий, И.Д.Ситдиқов, И.Х.Салимов, А.Абдусаттаров, Ю.М.Тугузов ва бошқалар томонидан ўрганилиб, муҳим илмий натижалар олинган.

Ўзбекистонда бузоқлар пневмоэнтеритининг этиологик таркиби чорвачиликка боғлиқ равишда (боқиш, озиклантириш, етиштириш шароитлари ва бошқалар), ишлаб чиқариш технологияси, зонал хусусиятларига қараб, ҳали етарлича ўрганилмаган. Ҳозирча республикада чорвачилик шароитлари ва

технологиясини инобатга олган ҳолда қўлланадиган ишончли қарши курашиш ва профилактика чоралари йўқ.

МДХ ҳамда узоқ хорижий мамлакатларда бузоқларда вирусли-бактериал пневмоэнтеритнинг тарқалиши, диагностикаси ва махсус профилактикасини ўрганиш бўйича В.И.Урбан, И.П.Найманов, В.Г.Зароза, Х.З.Гаффаров, А.В.Иванов, Е.А.Непоклонов, В.А.Мищенко, Д.К.Павлов, В.В.Думова, Т.Б.Никешина, А.Л.Пономарев, А.В.Кононов, С.В.Левченко, В.В.Мосейчук, С.Н.Карташов, А.В.Прудников, В.С.Прудников, М.В.Казючиц, О.Г.Петрова, М.И.Барашкин, О.Г.Петрова, А.Д.Алексеев, Имбаби Тхарват Альсейд Шапан Мохамед, И.Р.Акбашев, В.Г.Гумеров, В.В.Евстифеев, Х.Н. Макаев, А.К.Галиуллин, И.Г.Каримуллина, М.Н.Коннов, С.В.Котенева, П.А.Красочко, Ш.К.Зейналова, В.Д.Аббасов, R. F. Kahrs, R. W. Fulton, M. M. Izzo, S.S.M. Ammar, V. M. Barbosa, G.L. Caldow, M.M. Fassi-Fehri, P.Miettinen, H.W. Moon ва бошқа олимлар томонидан муҳим илмий амалий аҳамиятга эга тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ, бузоқлар вирусли-бактериал инфекцияларининг тарқалиши, диагностикаси ва махсус профилактикаси бўйича вакциналарни қўллаш алгоритми, ҳар хил турдаги ва иммунологик ҳолатдаги фермаларда уларнинг самарадорлиги аниқлаш, касалликнинг махсус профилактикаси ва даволаш учун янги ветеринария биологик препаратларини яратиш каби муҳим илмий-амалий жиҳатлари тўлиқ ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг илмий иш режаси, “Ўзбекистонда ветеринария, биотехнология ва чорвачиликни ривожлантириш учун кадрларни жадал тайёрлаш илмий бизнес инкубатори” МЕГА лойиҳаси доирасида ва Самарқанд вилоятининг Пастдарғом, Оқдарё ва Тайлоқ туманлари, Фарғона вилоятининг Қўштепа, Фарғона, Қува туманлари чорвачилик хўжаликлари билан тузилган хўжалик шартномалари (Шартнома №1-4, №5-11 2022 -2023-йиллар) асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси чорвачилик хўжаликларида бузоқларнинг вирусли-бактериал инфекцияларининг тарқалишини ўрганиш, диагностика ва махсус профилактика воситалари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларида қорамолларнинг касалланиши ва ўлим даражаси бўйича статистик ҳисоботларни таҳлил қилиш;

Самарқанд ва Фарғона вилоятлари хўжаликларида нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларида вирусли-бактериал пневмоэнтерит қўзғатувчиларининг этиологик таркибини аниқлаш;

бузоқлар вирусли инфекцияларининг диагностика усулларини ишлаб чиқиш;

вирусли-бактериал этиологияли респиратор ва овқат ҳазм қилиш органлари касалликларининг махсус профилактика воситалари ва усулларини ишлаб чиқиш;

Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги фермер хўжаликларида бузоқлар вирусли-бактериал этиологияли респиратор ва ошқозон-ичак инфекцияларининг махсус терапия воситаларини ишлаб чиқиш;

бузоқларнинг вирусли ва бактериал инфекцияларига қарши курашиш бўйича диагностика, даволаш ва профилактика тадбирлари мажмуасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикамизнинг Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги ошқозон-ичак ва нафас йўллари касалликлари бўйича носоғлом чорвачилик фермаларидаги касал бузоқлар, клиник соғлом бузоқлар ва сигирлар; эмланган бўғоз сигирлар ва ғунажинлар, улардан олинган янги туғилган бузоқлар, вирусли, вирусли-бактериал респиратор ва ошқозон-ичак инфекцияларига қарши вакциналар, трансовариал иммуноглобулинлар асосидаги препаратлар, БГАР ни қўйиш учун диагностик тест тизимлари, иммуностимулятор, тухум қўядиган товуқлар, товуқ тухумлари, лаборатория ҳайвонлари (оқ сичқонлар, оқ каламушлар, қуёнлар) олинган.

Тадқиқотнинг предмети қорамоллар қон зардоби намуналари, қорамолларда респиратор ва ошқозон-ичак инфекцияларини келтириб чиқарадиган вирусларга қарши антителоларни аниқлаш учун тест тизимлари, тажриба ва назорат гуруҳларидаги ҳайвонларнинг қон намуналари ва қон зардоби, товуқ трансовариал иммуноглобулинларига асосланган препаратлар, ҳайвонлар организмнинг иммунитет ва метаболик жараёнлар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда умум қабул қилинган клиник-эпизоотологик, бактериологик, серологик, иммунологик, токсикологик, биокимёвий ва статистик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон шароитида илк бор бузоқларнинг нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш органлари касалликларида вирусли-бактериал пневмоэнтерит қўзғатувчиларининг этиологик таркиби аниқланган;

бузоқларда ИРТ, ВД, ПГ-3, РСИ РВ ва КВИ нинг тарқалиши, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш органларининг вирусли ҳамда вирусли-бактериал инфекцияларининг аралаш кечиши илмий асосланган;

бузоқларнинг вирусли инфекцияларига диагноз қўйиш учун эритроцитар диагностикаум такомиллаштирилиб, билвосита гемагглютинация реакцияси билан аниқлаш усули ишлаб чиқилган ва жорий этилган;

биринчи марта бузоқларнинг инфекцион ринотрахеит, вирусли диарея, парагрипп-3, респиратор синцитиал инфекцияларига қарши "Тетравир-4", вирусли диареяси, рота-, коронавирусли инфекцияси, колибактериоз ва протеозига қарши "Энтеровак – 5" вакциналарини қўллаш усули, унинг мақбул муддатлари, эмлашлар сони ва схемаси ишлаб чиқилган;

"Энтеровак-5" ва "Тетравир-4" вакциналарининг эмланган ҳайвонларнинг клиник ҳолатига, гематологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларига таъсири ўрганилган ва биопрепаратларнинг зарарсизлиги исботланган;

вирусли этиологияли респиратор касалликларнинг махсус профилактикаси самарадорлигини ошириш учун "Тетравир-4" тирик культурал вакцинани *Bacillus subtilis* липополисахариди (ЛПС) иммуностимулятори билан бирга қўллаш усули жорий этилган;

бузоқларнинг вирусли-бактериал пневмоэнтеритларида товуклар трансвариал иммуноглобулинлари асосида махсус тайёрланган янги ветеринария биопрепарати "Энтероавиглоб-2" нинг терапевтик ва профилактик самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

бузоқларнинг вирусли-бактериал пневмоэнтерит қўзғатувчиларининг бундай кенг тарқалиши янги туғилган бузоқлар ривожланишининг эрта пренатал даврида зарарланиши ва касалликнинг ялпи тарқалишига олиб келиши аниқланган;

бактериологик тадқиқотлар натижалари бўйича колибактериоз, протеоз, пастереллез, коккоинфекция ва клебсиеллелар аралаш ҳолда кечиши аниқланган;

бузоқларни инфекцион ринотрахеит, вирусли диарея, парагрипп-3 ва респиратор синцитиал инфекциясига қарши "Тетравир-4" тирик вакцинанинг ўзи билан эмлаш натижасида бузоқларда 80%, иммуностимулятор - *Bacillus subtilis* КМИЭВ–В197 бактериал липополисахариди қўшилган вакцина билан эмлаганда - 100% профилактик самарадорликка эришилган ва иккала ҳолатда ҳам яшовчанлик 100%ни ташкил этган;

бузоқларнинг пневмоэнтеритини махсус терапияси ва профилактикаси учун илк бор носоғлом хўжаликларда товукларнинг трансвариал иммуноглобулинлари асосида "Энтероавиглоб-1", "Энтероавиглоб-2", "Авиглоб -5", "Респиавиглоб-4" ветеринария препаратлари яратилган ва қўллаш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган;

бузоқларнинг инфекцион ринотрахеит, парагрипп-3, диарея, респиратор-синцитиал, рота ва коронавирус антигенлари билан эритроцитар диагностика тўпламлари ишлаб чиқилган ва уларни қўллаш бўйича услубий тавсиялар жорий этилган;

бузоқларнинг вирусли диарея, рота- ва коронавирусли инфекцияси, колибактериоз ва протеозига қарши фаолсизлантирилган, ассоциациялашган вакцина ва уни қўллаш усули ишлаб чиқилган;

қорамоллар инфекцион ринотрахеит, вирусли диарея, парагрипп-3, респиратор синцитиал инфекциясининг олдини олиш учун тирик лиофилланган вакцина ва уни қўллаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган назарий натижаларнинг экспериментал маълумотларга мувофиқлиги, назарий ишланмалар ва усулларни қўллашдан олинган тадқиқот натижаларининг далолатномалар билан асосланганлиги, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида ўтказилган лаборатория йиғилишлари ва семинарларда, тақдим этилган ҳисоботларда диссертация бўйича олинган тадқиқот натижаларининг мутахассислар томонидан ижобий баҳоланиши, дастлабки маълумотларга биометрик ишлов бериш, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро конференцияларда

маъруза қилиниб, олимлар томонидан мақуллашганлиги уларнинг ишончлилигидан далолат беради.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, республикамиз хўжаликларида катта иқтисодий зарар етказувчи бузоқларнинг вирусли-бактериал инфекцияларининг тарқалиши, қўзғатувчиларининг этиологик таркиби аниқланган, диагностикаси ва махсус профилактикаси такомиллаштирилган, "Тетравир-4" ва "Энтеровак – 5" вакциналарининг қўллаш усули, унинг мақбул муддатлари, эмлашлар сони ва схемаси ишлаб чиқилган, эмланган ҳайвонларнинг клиник, гематологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларига таъсири аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки ишлаб чиқилган диагностика усулларини такомиллаштириш бузоқларда вирусли ва вирусли-бактериал пневмоэнтеритни ўз вақтида ва тўғри аниқлаш имконини беради. Махсус профилактиканинг янги усуллари ассоциацияланган, фаолсизлантирилган "Энтеровак – 5", куруқ тирик "Тетравир-4" вакциналаридан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилганлиги, уларни ишлатишнинг яратилган оптимал схемалари, профилактикасининг самарадорлигини ошириш усуллари бузоқларда мустақкам иммунитетни пайдо қилиб, вирусли ҳамда вирусли-бактериал пневмоэнтеритларнинг олдини олишни ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш имконини беради, товукларнинг трансвариал иммуноглобулинлари асосида яратилган янги ветеринария биопрепаратларини ишлаб чиқиш бузоқларнинг вирусли, вирусли-бактериал респиратор ва ошқозон-ичак инфекцияларининг олдини олиш ва даволашда қўллаш, самарали натижалар олиниши тадқиқотларнинг амалий жиҳатини тавсифлайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси чорвачилик хўжаликларида бузоқлар вирусли-бактериал инфекцияларини тарқалиши, диагностикаси ва махсус профилактикаси бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

Республикамиз фермер хўжаликларида вирусли этиологияли респиратор касалликларнинг профилактикаси учун тирик лиофилланган вакцина ва уни қўллаш усули ишлаб чиқилган ва жорий этилган (№FAP 20230327, № 9 (282) 26.09.2024.) (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 10 октябрдаги 02/23-591-сон маълумотномаси). Натижада бузоқларнинг вирусли пневмоэнтеритларининг махсус олдини олишда 90-100 фоиз самарадорликка эришилган;

бузоқларнинг вирусли диарея, рота- ва коронавирусли инфекцияси, колибактериоз, протеозига қарши фаолсизлантирилган, ассоциацияланган вакцина ва уни қўллаш усули ҳамда унинг мақбул муддатлари, эмлашлар сони, схемаси ишлаб чиқилиб, Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг қорамолчилиқ хўжаликларига жорий этилган (№ FAP 20230182. №9 (282) 26.09.2024.) (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 24 октябрдаги 02/23-591-сон маълумотномаси). Ушбу вакцинани қўллашнинг

иктисодий самарадорлиги юқори бўлиб, сарфланган 1 сўм харажатлар ҳисобига ўртача 14,7 сўм фойда олинган;

бузоқларнинг вирусли-бактериал этиологияли респиратор ва ошқозон-ичак инфекцияларини махсус даволаш ва олдини олиш воситалари ҳамда усуллари ишлаб чиқилган (UZ IAP 7717. 25.06.2024, №6 (279)). Бунда товукларнинг трансвариал иммуноглобулинларига асосланган янги “Энтероавиглоб-2” препаратини қўллаш жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 24 октябрдаги 02/23-591-сон маълумотномаси). “Энтероавиглоб-2” препаратини бузоқларга қўллашнинг терапевтик самараси юқори бўлиб, иктисодий самарадорлиги ҳар бир сарфланган 1 сўм харажатлар ҳисобига 11,8 сўмни ташкил этган;

Бузоқларнинг вирусли-бактериал ошқозон-ичак инфекцияларини олдини олиш ва даволашда “Энтероавиглоб-2” препаратини қўллаш бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган ва ветеринария амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 24 октябрдаги 02/23-591-сон маълумотномаси). Натижада бузоқлар пневмоэнтеритларининг олдини олишда самарадорлик 88,2%ни, даволаш самарадорлиги 90,5 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур диссертация ишининг тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 3 халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 45 та илмий мақола чоп этилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий журналларда 16 та шундан 5 таси хорижий, 11 та маҳаллий журналларда, 3 та республика ва 3 та халқаро конференцияларнинг материаллар тўпламида ҳамда 10 та тавсиянома чоп этилган, 6 та эритроцитар диагностика умумлар учун техник шартлар ва 1 та патент, 2 та фойдали моделга патент ҳамда 4 та муамлифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 6 боб, адабиётлар шарҳи, тадқиқотлар натижалари, хулосалар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 199 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва ўрганилганлик даражаси, олинган натижаларнинг ишончлиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини апробацияси ва амалиётга жорий қилиниши ёритиб берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Адабиётлар шарҳи**” бобининг “Вирусли-бактериал этиологияли бузоқларнинг ошқозон-ичак ва респиратор касалликларининг тарқалиши ва иқтисодий зарари”, “Бузоқларнинг респиратор ва ошқозон-ичак касалликларининг пайдо бўлиш омиллари”, “Бузоқларнинг вирусли ва бактериал касалликлари кўзғатувчиларининг этиологик таркиби” деб номланган қисмларида маҳаллий ва хорижлик тадқиқотчиларнинг илмий ишлари таҳлили асосида тадқиқот натижалари ҳамда бузоқларнинг вирусли ва бактериал касалликлари кўзғатувчиларининг тарқалиши, иқтисодий зарари, пайдо бўлиш омиллари ва этиологик таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Вирусли ва бактериал пневмоэнтеритнинг асосий кўзғатувчиларининг хусусиятлари, ассоциирланган вирусли-бактериал инфекция, ёш ҳайвонлар номахсус табиий резистентлигини шаклланишининг ўзига хос ёшга боғлиқлиги, организмнинг туғма, ёшга оид ва орттирилган иммун танқислиги ҳолатлари, уларни кўплаб касалликлар, жумладан, нафас олиш ва ошқозон-ичак тизими касалликларини пайдо бўлиши омили эканлиги берилган. Бузоқлар инфекцион касалликларининг этиологик таркибида организм иммун тизимининг ҳолати, кўзғатувчилар, айниқса вирусларнинг мавжудлиги, иммунитетни пасайтирувчи ва вирусли инфекция кўзғатувчиларининг фаоллашишига ёрдам берадиган стресс омилларини аҳамияти масалалари таҳлил қилинган.

“Бузоқларнинг вирусли ва бактериал касалликлари диагностикаси” ва “Бузоқларда нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш органлари касалликларининг олдини олиш воситалари” қисмларида асосий диагностика усуллари кўриб чиқилган, айниқса лаборатория диагностикасига муҳим ўрин берилган, чунки бу касалликларда шунга ўхшаш эпизоотик маълумотлар, клиник белгилар ва патологоанатомик ўзгаришлар кузатилади; касалликнинг атипик ва яширин шакллари, шунингдек аралаш инфекциялар тез-тез учрайди; қорамолларнинг кенг қамровли вирусли ва бактериал касалликлари: инфекцион ринотрахеит, вирусли диарея, парагрипп-3, респиратор синцитиал, рота ва коронавирусли инфекциялари, эшерихиоз, протеоз, клебсиеллёз, салмонеллёз ва бошқаларнинг бир вақтнинг ўзида олдини олиш учун моно ва ассоциирланган, тирик ва фаолсизлантирилган вакциналардан фойдаланишга оид масалалар таҳлил қилинган.

“Бузоқларнинг нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш органлари касалликларини махсус даволаш учун воситалар” қисмида товуқлар тухуми (трансовариал) иммуноглобулинларининг хусусиятлари, иккита аналогнинг (сут эмизувчилар IgG ва IgY) таркибий ўхшашлиги, трансовариал иммуноглобулинлар IgY нинг афзалликлари, парранда тухумлари сариғидан иммуноглобулинларни ажратиш усуллари ва ҳайвонларнинг турли моделларида турли йўзғатувчилар келтириб чиқарадиган инфекцион касалликларнинг олдини олиш ва даволашда фойдаланиш самарадорлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг “**Тадқиқотлар объекти ва услублари**” деб номланган бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Экспериментал тадқиқотлар 2022 - 2024 йиллар мобайнида

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида “Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси, Ветеринария илмий-тадқиқот институти “Микробиология”, “Ёш ҳайвонлар касалликлари”, Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази лабораторияларида, ҳамда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом, Оқдарё ва Тайлоқ туманлари, Фарғона вилоятининг Қўштепа, Фарғона, Қува туманлари чорвачилик хўжаликларида олиб борилган.

Ўзбекистон Республикасида бузоқларнинг оммавий ошқозон-ичак ва респиратор касалликлари эпизоотик ҳолати кескин бўлган чорвачилик хўжаликларида клиник-эпизоотологик текширув Бакулов (1982) бўйича ўтказилган.

Фермер хўжаликларда вирусли ва бактериал этиологияли бузоқларнинг ошқозон-ичак ва нафас йўллари касалликларига диагноз ҳайвонларни клиник кўриқдан ўтказиш, эпизоотик текшириш усули, шунингдек, мажбурий сўйилган ва ўлган ҳайвонларни патологоанатомик текшириш усулидан фойдаланган ҳолда қўйилган. Лаборатория усуллари турли клиник ҳолатдаги ҳайвонларнинг қон зардобида вирусга қарши антителоларни аниқлаш ва иммун ҳолатини аниқлаш мақсадида текширишни ўз ичига олган, бактериал инфекцияларга диагноз қўйиш учун эса бактериологик таҳлил усули қўлланилган.

Ишда “БелВитунифарм” ОАЖ томонидан ишлаб чиқарилган: бузоқларнинг вирусли диарея, рота ва коронавирус инфекциялари, колибактериоз ва протеозига қарши ассоциирланган, инактивланган “Энтеровак – 5” вакцина; қорамолларнинг инфекция ринотрахеит, вирусли диарея, парагрипп-3 ва респиратор синцитиал инфекциясининг олдини олиш учун лиофилланган тирик “Тетравир-4” вакцина қўлланилган.

Бактериал липополисахаридларни олиш учун бактериянинг *Bac. subtilis*. штамми ишлатилган. Асосий тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси чорвачилик хўжалиklarининг бузоқлари, сигирлари, ғунажинларидан фойдаланилган. РНГА ва ИФТнинг қиёсий диагностик самарадорлигини аниқлаш учун реакцияларни қўйиш бўйича йўриқномаларда кўрсатилган усулларга мувофиқ амалга оширилган. Эмланган ҳайвонлардан ва колибактериоз ва протеознинг клиник белгилари бўлган ҳайвонлардан олинган қон зардоблари Эрлих бўйича агглютинация реакция (АР) усулида текширилган.

Синов зардобидаги А, G ва M (IgA, IgG ва IgM) синфларининг иммуноглобулинлари миқдорини аниқлаш G.Manchini бўйича радиал иммунодиффузия усулида олиб борилган. Хужайра иммунитетини (Т- ва В-лимфоцитлар миқдори) Д.К. Новиков ва В.И. Новикова усули бўйича А.Ф. Могиленко томонидан ўзгартирилган усулда аниқланган.

Қон зардобининг бактерицид фаоллиги О. В. Смирнова ва Т. А. Кузминалар бўйича соддалаштирилган нефелометрик усул билан ичак таёқчасига нисбатан (референт тест штамми 0 55) аниқланган. Қон зардобидаги лизоцимнинг миқдори В. Г. Дорофейчук бўйича *Micrococcus Lisodeicticus*

эталон штаммининг микроб суспензиясининг оптик зичлиги ўзгаришига асосланган нефелометрик усули бўйича аниқланган.

Товуқлар трансвариал иммуноглобулинлари асосидаги ветеринария биологик препаратларининг ўткир ва сурункали заҳарлилигини аниқлаш учун токсикологик текшириш усуллари қўлланилди. Тадқиқотлар ветеринарияда қўлланиладиган кимёвий моддалар ва фармакологик препаратларни токсикологик баҳолаш бўйича услубий кўрсатмалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Гематологик текширишлар МЕК-6410К гематологик анализатори (Nihon Kohden, Япония) ёрдамида амалга оширилди. Қоннинг биокимёвий текширишлари BS200 Mindray биокимёвий анализаторида ўтказилди, экспериментал тадқиқотларда олинган рақамли материални биометрик қайта ишлаш П. Ф. Рокитскийнинг (1967) тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, Р. Б. Стрелков (1986) бўйича, шунингдек, шахсий компьютер ISA/PCI 80486DX2-66 ва Microsoft Excel, Graph Excel дастурларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Ишончлилиқ мезонининг аҳамияти (P) таҳлил қилинган материал ҳажмига қараб Стьюдент-Фишер эҳтимоллик жадвали ёрдамида баҳоланган.

Диссертация ишининг **“Ўзбекистон Республикаси Самарқанд ва Фарғона вилоятлари хўжаликларида нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларида вирусли-бактериал энтерит кўзгатувчиларининг этиологик таркиби”** бобининг **“Ўзбекистон Республикасининг Самарқанд ва Фарғона вилоятлари хўжаликларида бузоқлар вирусли-бактериал пневмоэнтеритини тарқалиши”** қисмида 47 та хўжалиқ қорамолларидан олинган 781 та қон зардоби намуналари эритроцитар диагностика билан текширилганида текширилган ҳайвонларнинг 70% да инфекция ринотрахеит вирусига антителолар борлиги аниқланди, диарея вирусига - 75,8%, парагрипп 3 вирусига - 56,1%, респиратор-синцитиал вирусга - 46,4%, ротавирусга - 78,7%, коронавирусга - 65,6% антителолар аниқланган.


Ўзбекистон фермер хўжаликларида қорамолларда вирусли пневмоэнтерит кўзгатувчиларининг этиологик таркибини ўрганиш таҳлили шуни кўрсатадики, сигир ва бузоқларда инфекция ринотрахеит текширилган ҳайвонларнинг 63,9 фоиздан 83,3 фоизгача, вирусли диарея 66,7 фоиздан 93,5% гача, парарипп-3 - 48,3% дан 62,3% гача, респиратор-синцитиал инфекция - 40,9% дан 47,4% гача, ротавирус инфекцияси - 69,8% дан 92,2% гача, коронавирус инфекцияси - 58,8% дан 79,8% гача қайд этилган.

Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари кесимида ўрганилганда Қорақалпоғистон Республикасининг 13 та фермер хўжалигидан 128 бош қорамолларнинг қон зардоби эритроцитар диагностика билан текширилганда текширилган ҳайвонларнинг 76,5% да инфекция ринотрахеит вирусига, 93,5% да диарея вирусига, 94,3% да ротавирус, 79,8% да коронавирус, 62,3% да парагрипп-3 вируси ва 40,9% да респиратор синцитиал вирусга антителалар аниқланган.

Фарғона вилоятидаги 9 та фермер хўжалигидаги қорамоллардан олинган 180 та қон зардоби намунасида ижобий натижалар - антителолар кўпроқ ротавирус инфекцияси вирусига - 92,2%, юқумли ринотрахеит вирусига -

83,3%, диарея вирусига - 86,1% аниқланди, бирмунча камроқ коронавирусуга - 71,6%, парагрипп-3 вирусига – 48,3% ва респиратор синцитиал вирусига – 44,4% антителолар аниқланган.

Самарқанд вилоятида 25 та фермер хўжалигида қорамоллардан олинган 473 та қон зардобида текширилган ҳайвонларнинг 69,8% да ротавирус инфекцияси вирусига, 66,7% да диарея вирусига, 63,9% да инфекцион ринотрахеит вирусига, 58,8% да коронавирус инфекцияси вирусига, 58,6% да парагрипп-3 ва 47,4% да респиратор синцитиал вирусларига антителолар аниқланган.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси фермер хўжалигидаги қорамолларнинг қон зардобини мониторинг қилишда минимал ва максимал антителолар титри даражаси (\log_2).

Ўзбекистон Республикасининг 47 та фермер хўжалигидан олинган 781 бош қорамол қон зардобини намуналарини ўрганиш натижаларига кўра инфекцион ринотрахеит вирусига минимал ва максимал антитело титрлари даражаси 3,9 дан 5,3 \log_2 гача, вирусли диарея 4,1 дан 5,9 \log_2 гача, парагрипп-3 вирусига 3,5 дан 5,1 \log_2 гача, респиратор синцитиал инфекция вирусига 3,2 дан 4,4 \log_2 гача, ротавирусуга 3,9 дан 6,2 \log_2 гача, коронавирусуга 4,1 дан 5,9 \log_2 гача эканлиги аниқланган (1-расм). Антитело титрлари ротавируслар, коронавируслар, вирусли диарея, инфекцион ринотрахеит ва парагрипп-3 вирусларига юқори бўлган. Кўрсатилган бошқа вируслар учун антителолар титрлари бироз камроқ бўлган.

Олинган маълумотларни таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки, Қорақалпоғистон Республикасида Фарғона ва Самарқанд вилоятлари хўжаликларида қараганда эмланмаган бузоқларда инфекцион ринотрахеити, диарея, рота, коронавирус вирусларига антителолар 6-20 фоизга юқори бўлган, парагрипп-3 вируси ва респиратор синцитиал вирусларига бирмунча паст бўлган.

Бузоқларда пневмоэнтеритнинг этиологик таркибини ва тарқалишини ўрганиш бузоқларнинг пневмоэнтерит билан касалланиши ва ўлимини камайтириш учун ветеринария даволаш ва профилактика тадбирларини мақсадли ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради.

Ушбу бобнинг "Қорамолларнинг вирусли респиратор ва ошқозон-ичак инфекцияларини серологик диагностика усулларини такомиллаштириш" қисмида билвосита гемагглютинация реакциясини (БГАР) қўйиш учун эритроцитлар диагностикаумни тайёрлашнинг технологик параметрлари ишлаб чиқилган. Қорамол, қўй ва одамларнинг эритроцитлари энг кам агглютинацияланиш қобилиятига эга эканлиги аниқланган; қўй эритроцитларининг сорбция қобилияти қорамол эритроцитлари билан солиштирганда юқори бўлиб, максимал антитело титри $5,80 \pm 0,37 \log_2$ дан $8,20 \pm 0,37 \log_2$ гача қорамол эритроцитлари эса $5,20 \pm 0,37 \log_2$ дан $6,00 \pm 0,45 \log_2$ гача эканлиги; эритроцитларни формалдегид, глутаралдегид ва акрил алдегид билан барқарорлаштирганда вирусли антигенлар глутаралдегид билан энг юқори сезувчанликка эга эканлиги аниқланган, яъни $6,60 \pm 0,4 \log_2$ дан $8,20 \pm 0,37 \log_2$ гача. Акрил алдегид билан кўрсаткичлар $5,20 \pm 0,37 \log_2$ дан $6,33 \pm 0,21 \log_2$ гача бўлган бўлса; формалдегид $2,20 \pm 0,15 \log_2$ дан $4,20 \pm 0,35 \log_2$ гача бўлган.

Оптималь барқарорлаштириш параметрларини ишлаб чиқишда қўй эритроцитларини барқарорлаштириш учун глутаралдегиднинг 0,2-0,5% концентрацияси $+37^{\circ}\text{C}$ ҳароратда ва 60-75 дақиқа таъсир қилиш оптималь эканлиги аниқланди. Эритроцитларни сенсibiliзация қилиш учун вируслар концентрацияси 5,0 дан 6,5 \log_2 ТЦД 50/мл гача, конъюгация учун эса 0,1% ли хром хлорид трипан кўки (1:500) билан қўлланилиши мақбул эканлиги аниқланган;

РНГА ва ИФТнинг ўзаро боғлиқлигидан фойдаланган ҳолда эритроцитар диагностикаумларининг махсуслиги ва фаоллигини ўрганишда натижаларнинг юқори даражадаги корреляцияси қайд этилди. Шундай қилиб, диагностика усулларини такомиллаштириш бузоқларда вирусли ва вирусли-бактериал пневмоэнтеритни ўз вақтида ва тўғри аниқлаш имконини берган.

Диссертация ишининг **“Ўзбекистон Республикаси Самарқанд ва Фарғона вилоятлари фермер хўжаликларида вирусли-бактериал этиологияли респиратор ва овқат ҳазм қилиш органлари касалликларининг махсус профилактика воситалари ва усулларини ишлаб чиқиш”** бобини “Бузоқларнинг вирусли диарея, рота ва коронавирус инфекциялари, колибактериози ва протеозига қарши ассоциирланган инактивланган вакцинанинг самарадорлиги ва организмнинг иммунологик ҳамда биокимёвий кўрсаткичларига таъсири” қисмида тажрибалар Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги “К.Элдор” фермер хўжалигида вакцинанинг ғунажинлар учун профилактик самарадорлиги 85% ва 95,0% бузоқлар сақланиб қолганини кўрсатган. Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги “Ёқуб ота” фермер хўжалигида ўтказилган тажрибаларда сигирларнинг профилактика самарадорлиги 90%, бузоқларнинг 100% сақланиб қолгани кўрсатилган. Ушбу маълумотлар, ишлаб чиқилган вакцина билан бўғоз сигир ва ғунажинларни ушбу инфекциялар бўйича носоғлом хўжаликларда янги туғилган бузоқларда

колострал иммунитетни пайдо қилиш учун эмлаш 85-90% ҳимоя қилишни таъминлашини тасдиқлайди. Ғунажинлар ва сигирлар 21 кун оралиқ билан икки марта эмланди, биринчи эмлаш туғишидан 9 ҳафта олдин, иккинчиси эса туғилишдан 3 ҳафта олдин. Эмланган ғунажинлар ва сигирларда эмлашдан 15-20 кун олдин интенсив иммунитет пайдо бўлган.

Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги “К.Элдор” фермер хўжалигида эмлашдан сўнг туғишидан 15-20 кун олдин барча қўзғатувчиларга қарши антитело титрининг ортиши қайд этилган: диарея вирусига $2,8 \pm 0,21$ дан $6,4 \pm 0,42$ гача, ротавирусга $3,2 \pm 0,36$ дан $6,2 \pm 0,44$ гача, коронавирус $2,8 \pm 0,18$ дан $5,6 \pm 0,26 \log_2$ гача, эшерихияга $4,2 \pm 0,24$ дан $8,4 \pm 1,28$ гача ва протейга $3,6 \pm 0,38$ дан $7,8 \pm 0,52 \log_2$ гача, бу иммунланган ғунажинларда антителоларнинг фаол биосинтезини кўрсатади. Тукқанидан 1 ой кейин, антитело титрларининг пасайиши қайд этилди. Диарея вирусига антитело титрлари $5,4 \pm 0,32 \log_2$, ротавирусга $5,0 \pm 0,28 \log_2$, коронавирусга $4,6 \pm 0,31 \log_2$, эшерихияга $7,4 \pm 1,56 \log_2$ ва протеусга $6,4 \pm 1,11 \log_2$ даражасида бўлган. Тукқанидан 3 ой кейин, антитело титрлари изчил $0,4-1,4 \log_2$ га паст бўлган. Эмланган ғунажинларда тукқанидан 5 ой кейин, антитело титрлари $0,6-1,8 \log_2$ га паст бўлган. Назорат ҳайвонларида антитело даражасининг кичик тебранишлари кузатилди.

Фарғона вилояти Кўштепа туманидаги “Ёқуб ота” фермер хўжалигида ҳам эмлашдан сўнг туғишидан 15-20 кун олдин сигирларда диарея, рота ва коронавирус инфекцияларига шунингдек, эшерихия ва протеусга қарши антитело титрининг ортиши аниқланган. Антитело титрлари назорат гуруҳидаги сигирларга нисбатан мос равишда $3,6 \log_2$, $3,3 \log_2$, $3,6 \log_2$, $4,0 \log_2$ ва $3,8 \log_2$ га юқори бўлган. Тукқанидан 1, 3 ва 5 ой кейин, антитело титрлари камайди, аммо назорат гуруҳига нисбатан: 1 ойдан кейин - $3,6 \log_2$, $2,4 \log_2$, $2,6 \log_2$, $3,4 \log_2$ ва $3,2 \log_2$ га, 3 ойдан кейин - $2,6 \log_2$, $2,0 \log_2$, $1,8 \log_2$, $2,8 \log_2$ ва $2,6 \log_2$ га, 5 ойдан кейин - $1,2 \log_2$, $1,4 \log_2$, $1,4 \log_2$, $1,0 \log_2$ ва $1,2 \log_2$ га юқорилигича қолди.

Ассоцирланган инактивланган “Энтеровак-5” вакцинаси билан иммунланган сигирлар қонидаги Т- ва В-лимфоцитлар динамикасини ўрганиш натижасида вакцина эмланган сигирларнинг организмда Т- ва В-лимфоцитлар синтезини фаоллаштирганлиги аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал

Ассоцирланган инактивланган “Энтеровак-5” вакцинаси билан иммунланган сигирлар қонидаги Т- ва В-лимфоцитлар динамикасини ўрганиш натижаси (n-20)

Кўрсаткичлар	Гуруҳ	Эмлашдан олдин	14 - суткада	21 - суткада	45 - суткада	60 - суткада
Т-лимфоцитлар	Тажриба	$24,88 \pm 0,57^{***}$	$29,21 \pm 0,54$	$26,66 \pm 0,440$	$32,42 \pm 1,63$	$29,7 \pm 0,83$
	Назорат	$25,02 \pm 0,58$	$25,84 \pm 0,41$	$25,6 \pm 0,67$	$25,02 \pm 1,78$	$24,72 \pm 1,08$
